

Ҳаво кемаларининг техник эксплуатацияси йўналишида таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Ҳаво кемаларининг техник эксплуатацияси йўналишида учиш аппаратлари конструкцияси ва мустаҳкамлиги, учиш аппаратлари аэродинамикаси ва парвоз динамикаси, ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш технологияси, авиация двигателлари, ҳаво кемалари ва авиация двигателларини таъмирлаш ва диагностикаси, ҳаво кемаларининг техник эксплуатацияси, авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш, авиация техникаси диагностикаси ва парвоз хавфсизлиги каби фанлардан кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда корхона мутахассислари назарий ва амалий билим берадилар. Ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш фаолиятида мавжуд технологиялар ва технологик жараёнлар, уларни таъмирлаш учун жиҳозларни танлаш, методлари, усуллари ва воситалар, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ўқишни тугатгандан сўнг битирувчилар Ўзбекистон Республикаси авиация соҳаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича фаолият олиб борадилар, хусусан "Uzbekistan airways technics" ОАЖ, "Uzbekistan Airways" АЖ, "Uzbekistan Helicopters" ОАЖ, "Uzbekistan Airports" АЖ, "Тошкент механика заводи" АЖ, "Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи" ДУК корхоналарида.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Юқорида келтирилган касбий фаолият соҳасининг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнлари, асбоблари, юқори унумли типик технологик жиҳозлар, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш усуллари ва жиҳозлари, рақамли дастурда бошқариладиган технологик дастгоҳлар объектларида намунавий технологик ва ностандарт технологик жиҳозлар элементлари, мослама ва ўлчаш асбоблари, қисмлари ва деталлари, уларни бошқариш ва ростлаш тизимларидан фойдаланиш, цехда уста, катта уста, цех техниги, технологи, механиги бўлиб ишлаш, диагностика ўлчаш воситалари ва методларини танлаш, намунавий методикалари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришда фаол қатнашиш каби касбий фаолияти турлари билан шуғулланади.